

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ
АҲОЛИ ХОНАДОНЛАРИДА
БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ ЙўНАЛИШИ
БЎЙИЧА ЎҚУВ КУРСЛАРИДА ЎҚИШ
ХАРАЖАТЛАРИНИ ҶОПЛАШ
УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ
БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллый ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

Жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича услугбий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 19 б.

Тузувчи: А. Сагдуллоев

Ушбу услугбий қўлланма "маҳалла еттилиги" ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш ва белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган.

Мазкур услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Балиқ етиштириш йұналиши бүйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар рўйхати	5
Балиқ етиштириш йұналиши бүйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун ажратиладиган субсидия ўзи нима?	7
Субсидия ажратиш бүйича тавсияни олиш учун кимга мурожаат қилиш керак?	9
Субсидия ким томонидан берилади ҳамда унинг миқдори қанчани ташкил этади?	15
Аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йұналиши бүйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш схемаси	16
Балиқ етиштириш йұналиши бүйича ўқитиш қайси ўқув муассасасида амалга оширилади?	19
Балиқ етиштириш йұналиши бүйича таълим бериш жараёни қандай шаклларда амалга оширилади?	22
Балиқ етиштириш йұналиши бүйича ўқишни тамомлаганлик қандай тасдиқланади?	23
Балиқ етиштириш бүйича зарур тавсиялар	25

КИРИШ

“Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан орта қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда **тадбиркорлик субъектлари** ва **хонадонлар** ўртасида **иқтисодий кооперацияни** кенгайтириш мақсадида “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш асосида “оғир” маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича **янгича ёндашув** республикада татбиқ этилмоқда.

Хусусан, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила — тадбиркор” ва бошقا ижтимоий дастурлар худудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун турткى бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давлат томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янадатакомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рафбатлантириш, улар муносиб даромадолиши учун қўшимчашароитларяратишучунтадбиркорликка қизиқувчи ёшларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш ҳамда ёшларнинг янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш тизимида тинимсиз ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини гувоҳимиз.

Шу сабабли, Адлия вазирлиги томонидан маҳаллаларда **кооперация шаклида** тадбиркорликни ташкил этишда ягона ҳукуқни қўллаш амалиётни жорий қилиш, шунингдек ушбу жараённи аҳолига содда ва тушунарли кўринишда етказиш мақсадида **Жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ этиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича услубий қўлланма** ишлаб чиқилди. Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

Балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларини ташкил этиш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

РЎЙХАТИ



Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 январдаги "Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-83-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-196-сон Фармони



Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги "Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва қўнималарни ривожлантириш миллий тизими фаoliyatini ташкил этиш чоралари тўғрисида"ги 287-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги
“Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш
тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари
фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги 183-сон қарори



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги
“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
хузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни
ривожлантириш агентлигининг Аҳолини
тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари
ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 252-сон қарори

Балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун ажратиладиган субсидия ўзи нима?

Субсидия – аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича “Ишга марҳамат” мономарказидаги ўқув курсида ўқиш харажатларини қоплашучун Маҳаллабай ишлаш ватадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган **молиявий кўмак**.



Субсидия кимларга берилади?

Субсидия **ищиз ва иш қидираётган жисмоний шахсларга** берилади.



ЭСЛАТМА!

Давлат иш қидираётган шахсларни ва ищизларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга кўмаклашишини кафолатлади.



Ищиз ва иш қидираётган шахс деганда нима тушунилади?

Ищиз ва иш қидираётган шахс – 16 ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахс.



Субсидия нима асосида берилади?

Субсидия хонадонда балиқ етиштириш бүйича "Ишга марҳамат" мономарказидаги ўқув курсида ўқиш истагида бўлган жисмоний шахсга ўқиш харажатларини қоплаш учун **"тавсия" асосида берилади.**




Субсидия ажратиш бўйича тавсияни ким беради?

Жисмоний шахсга ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича **тавсия ҳоким ёрдамчиси томонидан берилади.**

Субсидия ажратиш бўйича тавсияни олиш учун кимга мурожаат қилиш керак?

Жисмоний шахс ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича **тавсия беришни** сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги **ҳоким ёрдамчисига** ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ариза билан мурожаат қиласади.



ЭСЛАТМА!

Ҳоким ёрдамчиси — ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси лавозимига тайинланган шахс.

“Онлайн маҳалла” электрон платформаси — ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиши учун давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган ахборот тизими.



Субсидия ажратиш бўйича аризада қандай маълумотларни кўрсатиш керак?

Аризада қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- доимий яшаш манзили;
- паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами);
- сўралаётган субсидия миқдори.



ЭСЛАТМА!

Аризада қайд этилган маълумотлар **ҳаққонийлиги учун жисмоний шахс жавобгар** ҳисобланади.



Субсидия ажратиш бўйича ариза кимлар томонидан қандай тартибда кўриб чиқилади?

Субсидия ажратиш бўйича ариза **3 босқичдан** иборат тартибда кўриб чиқилади. Жумладан:

Биринчи босқичда субсидия ажратиш бўйича ариза **ҳоким ёрдамчиси** томонидан;

Иккинчи босқичда субсидия ажратиш бўйича ариза **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази** томонидан;

Учинчи босқичда субсидия ажратиш бўйича ариза **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси** томонидан кўриб чиқилади.



Субсидия ажратиш бўйича ариза ҳоким ёрдамчиси томонидан қандай тартибда кўриб чиқилади?

Субсидия ажратиш бўйича ариза ҳоким ёрдамчиси томонидан **3 иш** кунида кўриб чиқилади. Бунда, **ҳоким ёрдамчиси**:

а) жисмоний шахснинг ҳақиқатда **ишсиз ва иш қидираётган шахс эканлигини** ҳамда сўралаётган **субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганигини** “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ўрганади;

б) жисмоний шахснинг хонадонида **балиқ етиштириш имконияти мавжудлигини** жойига чиққан ҳолда ўрганади.



Ҳоким ёрдамчиси томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари қандай якунланади?

Ҳоким ёрдамчиси ўрганиш натижалари бўйича **тавсия ва далолатномани расмийлаштиради** ҳамда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига** қуидагиларни юборади:

- субсидия ажратиш бўйича тавсия;
- субсидия олиш бўйича мурожаатчининг аризаси;
- ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.



Тавсия ва далолатномада қандай маълумотлар кўrsатилади?

Тавсия ва далолатномада қуидагилар акс эттирилади:

- жисмоний шахси ҳақиқатда **ишсиз ёки иш қидираётган шахс эканлиги**;
- жисмоний шахснинг хонадонида **балиқ етиштириш имконияти мавжудлиги**;

- жисмоний шахсни **сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганилиги.**

ЭСЛАТМА!

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган **маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар** ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан ариза берувчига субсидия ажратиш қайси ҳолатда рад этилади?

Агарда ўрганиш натижасида **нотўғри (ёлғон) маълумотлар** тақдим этилганлиги аниқланган ҳолатларда, **субсидия ажратиш рад этилади** ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси **1 иш кунида** рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда жисмоний шахсга хабарнома юборади.

Субсидия ажратиш бўйича ариза маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази томонидан қандай тартибда кўриб чиқилади?

Агарда ўрганиш натижасида **нотўғри (ёлғон) маълумотлар** тақдим этилганлиги аниқланган ҳолатларда, **субсидия ажратиш рад этилади** ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси **1 иш кунида** рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда жисмоний шахсга хабарнома юборади.

Тавсия ва далолатномада қандай маълумотлар кўрсатилади?

Марказ **2 иш кунида**:

- ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни **ҳаққонийлигини ўрганиб чиқади;**
- ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса платформа орқали **Агентликнинг ҳудудий бошқармасига** ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда **хулоса юборади.**



ЭСЛАТМА!

Марказнинг хulosасида қайд этилган **маълумотлар ҳаққонийлиги** учун **Марказ жавобгар ҳисобланади**.



Марказ томонидан ариза берувчига субсидия ажратиш қайси ҳолатда рад этилади?

Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар **ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса**, Марказ томонидан **субсидия ажратиш рад этилади** ҳамда бу ҳақда сабабларини кўрсатган ҳолда Марказ **2 иш кунида** “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ҳамда жисмоний шахсга хабарнома юборади.



Субсидия ажратиш бўйича ариза маҳаллабай ишлашва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бошқармаси томонидан қандай тартибда кўриб чиқилади?

Агентликнинг ҳудудий бошқармаси **2 иш кунида**:

- Марказ хulosасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;
- Хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса **субсидия ажратиш тўғрисида кафолат хатини расмийлаштиради** ва кафолат хатини илова қилган ҳолда жисмоний шахсга хабарнома юборади



Кафолат хати қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган **кафолат хати асосида** “Ишга марҳамат” мономаркази ҳамда жисмоний шахс ўртасида **икки томонлама шартнома тузилади**.



ЭСЛАТМА!

Иисиз ва иш қидираётган шахсларни балиқ етишиши үйналиши бүйиича ўқитиши "Ишга марҳамат" мономарказлари билан **тұғридан-тұғри шартномалар түзиши асосида амалга оширилади.**

Мәхнат органдары түзилгандар шартномалар асосида касб-хунарга ўқитишига муҳтож бўлган шахсларга белгиланган шаклдаги **касбга ўқитишига йўлланмаларни беради**, ўқув муассасалари эса уларнинг ўқишига қабул қилинганилиги **тұғрисида буйруқ чиқаради**.

Субсидия ким томонидан берилади ҳамда унинг миқдори қанчани ташкил этади?

Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан **2 иш кунида** "Ишга марҳамат" мономарказига ўқитиш харажатларини қоплаш учун **БХМнинг 2 бараваридан ошмаган миқдорда субсидия** ажратилади.



ЭСЛАТМА!

2023 йил 1 декабрдан бошлиб базавий ҳисоблаш миқдори – ойига **340 минг сўм** қилиб белгиланган.



Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан ариза берувчига субсидия ажратиш қайси ҳолатда рад этилади?

Агарда Марказ томонидан берилган **хуносада қайд этилган маълумотлар ўз тасдиғини топмаса**, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан **2 иш кунида субсидия ажратиш рад этилади** ҳамда бу ҳақда сабабларни қўрсатган ҳолда "Онлайн маҳалла" электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда жисмоний шахсга хабарнома юборади.



Субсидияни бир неча маротаба ҳам олса бўладими?

Йўқ, аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича "Ишга марҳамат" мономарказидаги ўқув курсида ўқиш харажатларини қоплаш учун **субсидия фақат бир марта берилади**.

Аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш **СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Субсидиядан фойдаланмоқчи бўлган жисмоний шахс	Тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма ёки "Онлайн маҳалла" электрон платформаси орқали мурожаат қиласди.	Жисмоний шахс хоҳишига кўра
2-босқич	Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шахар) ҳокими ёрдамчиси	<p>а) "Онлайн маҳалла" электрон платформаси орқали жисмоний шахснинг ҳақиқатда ишсиз ва иш қидираётган шахс эканлигини, сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганигини ўрганади;</p> <p>б) жойига чиқсан ҳолда жисмоний шахснинг хонадонида балиқ етиштириш имконияти мавжудлигини ўрганади;</p> <p>в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради;</p> <p>г) тавсияни, мурожаатчининг аризаси ва ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномани</p>	З иш кунида

		“Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига юборади.	
3-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази	<p>а) ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;</p> <p>б) ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.</p>	2 иш кунида
4-босқич	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг худудий бошқармаси	<p>а) туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази хулоасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;</p> <p>б) ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг худудий</p>	2 иш кунида

бошқармасынинг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига, ҳоким ёрдамчисига ҳамда жисмоний шахсларга ёзма хабарнома юборади.

Балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқитиши қайси ўқув муассасасида амалга оширилади?

Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқитиши “**Ишга марҳамат**” мономарказларида амалга оширилади.



ЭСЛАТМА!

“Ишга марҳамат” мономаркази ишсиз ва иш қидираётган шахсларга **хизмат кўрсатувчи давлат муассасаси** ҳисобланади. Мономарказнинг асосий мақсади **ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-ҳунарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга ўқитиши** ҳисобланади.



“Ишга марҳамат” мономарказларининг асосий вазифалари нималардан иборат?

“Ишга марҳамат” мономарказларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- банд бўлмаган ахолини сервис ва хизмат кўрсатиш, техника, умумқурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳалари, рақамли технологиялар бўйича ҳамда ички ва ташки мөхнат бозорида талаб юқори бўлган **бошқа касбларга ўқитиши, қайта ўқитиши ва малакасини ошириш;**
- техникум, коллеж ёки олий таълим муассасасига ўқишга кирмаган ҳамда касб эгаллаш истагидаги **етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни касб-ҳунарга ўқитиши;**
- тадбиркорлик асослари ва молиявий саводхонликка ўқитиши;

- касб фаолиятини амалга ошириш учун талаб қилинадиган билимлар, маҳорат, малака ва қўникмалар, шахсий ва касбий билим ва қўникмаларни баҳолаш ва бошқалар.



Балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув жараёнининг давомийлиги қанча?

Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни "Ишга марҳамат" мономарказларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқитиш **ўрта ва қисқа муддатли** шаклларда амалга оширилади.

Бунда:

- a)** ўрта муддатли ўқитиш – ўқув жараёни **5 ҳафтадан 25 ҳафтагача** давом этади.
- б)** қисқа муддатли ўқитиш — ўқув жараёни **4 ҳафтагача** давом этади.



Қандай ҳолларда балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўрта муддатли ўқитиш амалга оширилади?

Қўйидаги ҳолларда ишсиз ва иш қидираётган шахсларни балиқ етиштириш йўналиши бўйича **ўрта муддатли ўқитиш** амалга оширилади:

- касби (мутахассислиги) мавжуд бўлмаганда;
- мавжуд касбий қўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни (мутахассисликни) ўзгартириш зарур бўлганда;
- аввалги касби (мутахассислиги) бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.



Қандай ҳолларда балиқ етиштириш йұналиши бүйича қисқа муддатлы үқитиш амалға оширилади?

Касбий күнікмалари мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги, касбига (мутахассислигига) доир талаблар ўзgartирилганлиги боис **малака ошириши зарур бўлганда** ишсиз ва иш қидираётган шахсларни балиқ етиштириш йұналиши бўйича **қисқа муддатлы үқитиш** амалға оширилади.

Балиқ етиштириш йўналиши бўйича таълим бериш жараёни қандай шаклларда амалга оширилади?

Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқитиш “Ишга марҳамат” мономарказлари билан келишилган ҳолда **кундузги, кечки ва онлайн шаклларда** амалга оширилиши мумкин.



Балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув гуруҳларидаги тингловчилар сони нечтани ташкил этади?

“Ишга марҳамат” мономарказларида ташкил этиладиган балиқ етиштириш йўналиши бўйича **ўқув гуруҳларидаги тингловчилар сони** одатда **5 нафардан 20 нафаргacha** бўлиши мумкин.



Балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқитиш қандай якунланади?

“Ишга марҳамат” мономарказларида ишсиз ва иш қидираётган шахсларни балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқитиш жараёни **якуний малака имтиҳонини жорий тартибда топшириш** билан якунланади.

Балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқиши тамомлаганлик қандай тасдиқланади?

Балиқ етиштириш йўналиши бўйича **ўқитиш жараёнидан ўтган ва якуний малака имтиҳонларини** топширган шахсларга “Ишга марҳамат” мономарказлари томонидан ўқиши тамомлаганигини тасдиқловчи **сертификат** берилади.



Сертификат қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

“Ишга марҳамат” мономарказларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича курсларни тутатганлиги тўғрисидаги сертификат **касб-ҳунар таълими тўғрисидаги дипломга тенглаштирилади** ва **мехнат фаолиятида фойдаланилиши мумкин**, бунда ушбу диплом таълимнинг кейинги турини давом эттиришга асос бўла олмайди.



Балиқ етиштириш йўналиши бўйича чекка ҳудудлардан ўқишига келганларга қандай имтиёзлар бор?

Маҳаллий меҳнат органлари томонидан балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқитиш учун бошқа ҳудудларга йўлланган ўқувчилар ётоқхонага (меҳмонхонага) жойлаштирилиши мумкин.



Балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига қандай имтиёзлар бор?

- Балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига ер солиғи ва мол-мулк солиғи ставкаси **50 фоиз** миқдорида белгиланади
- Хонадонида балиқ етиштирувчилар **ўзини ўзи банд қилганлар учун берилган имтиёзлардан фойдаланади** (кексаликда пенсия берилади)

- ☒ Томорқа ер участкалари әгаларини кооперация ва касаначилик асосида балиқ чавоқлари, сунъий ҳовуз ва озуқа еми етказиб бериш орқали иш билан банд қилган тадбиркорлик субъектларига **БХМнинг 20 бараваригача миқдорида** субсидия ажратиласди

Балиқ етиштириш бўйича зарур тавсиялар

- КАРП** балиқларини етиштиришда сув ҳароратининг оптимал даражаси **24-260С**, **FOREL** балиқлари учун **14-180С**
- КАРП** балиқларини нормал ривожланиши учун сувда эриган кислород миқдори **5-6 mg/1**, **FOREL** балиқларини учун **7-8 mg/1**ни ташкил этади
- КАРП** ва **FOREL** балиқларини нормал ривожланиши учун муҳитнинг **pH** кўрсаткичи нейтралга яқин бўлиши (**6,5-8,5** оралиғида) мақсадга мувофиқ



Балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига қандай имтиёзлар бор?

- Сувни ҳарорати ва сифатини доимий назорат қилиб бориш учун **термометр ва термооксиметрлар харид қилиш**
- Ҳаво ҳарорати баланд бўлган вақтларда **қуёш нурларини тўғридан-тўғри бассейнга тушиб туришидан сақлаш** (айниқса **FOREL** балиқларини етиштиришда)
- Балиқ етиштиришдан олдин керакли тавсиянома ва ўлланмалар билан танишиб чиқиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш